



**ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI**  
**SURXONDARYO VILOYATI HOKIMINING**  
**Q A R O R I**

Termiz shahri, At-Termiziy ko'chasi 1-uy. 190100, tel.: (+99876) 224-00-15, surxon@exat.uz, gov@sdv.uz

20 21-yil " 1 " mart

Қ-122 -son

Termiz sh.

**Бойсун тумани “Бойсун” массиви “Темирдарвоза” маҳалласи ҳудудида фаолият юритаётган “Махмуд” хусусий фирмасига “Автомобилларга сиқилган газ қуйиш шохобчаси” (АГНКС) қуриш учун рухсат бериш тўғрисида**

Ўзбекистон Республикаси “Ер кодекси”нинг 5 моддасига, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Энергия самарадорлиги ва қайта тикланадиган энергия манбаларини ривожлантириш бўйича Республика комиссиясининг 2016 йил 21 июндаги 06-06-29-35-сон йиғилиш баёнига ва Энергетика вазирлигининг 2020 йил 08 июлдаги “Автомобилларга сиқилган газ қуйиш шохобчаларини (АГНКС) мақсадли қурилишига қўшимча киритиш тўғрисида” 02-16-3722-сон йиғилиш баёнига асосан, вилоят ҳокимлиги ҳузуридаги ер участкалари бериш (реализация қилиш) масалаларини кўриб чиқувчи комиссиянинг 2021 йил 05 январдаги 03-02/14-сон йиғилиш баёни, Бойсун тумани ҳокимининг 2020 йил 14 декабрдаги 01-03/309-сон хатини инобатга олиб,

**Қ А Р О Р   Қ И Л А М А Н :**

1. Бойсун тумани “Бойсун” массиви “Темирдарвоза” маҳалласи ҳудудида фаолият юритаётган “Махмуд” хусусий фирмаси ҳисобидаги 0,50 гектар ер майдонига “Автомобилларга сиқилган газ қуйиш шохобчаси” (АГНКС) қурилиши учун доимий фойдаланиш ҳуқуқи билан рухсат берилсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси ҳузуридаги Кадастр агентлиги Сурхондарё вилоят бошқармаси (Ж.Усмонов)га рухсат берилган ер майдонидан самарали ва мақсадли фойдаланилишини доимий назорат қилиб бориш ҳамда ер ҳисоботига тегишли ўзгартириш киритиш юклатилсин.

3. Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси ҳузуридаги Кадастр палатаси Сурхондарё вилоят бошқармаси (С.Шаймарданов) ер участкаси чегараларини жойида (натурада) белгилашни амалга оширсин ҳамда ер участкасига бўлган ҳуқуқни давлат рўйхатидан ўтказилишини таъминласин.

4. Вилоят қурилиш бош бошқармаси (К.Эшматов) қонунчиликда белгиланган тартибда қурилиш ишларини лойиҳа-смета ҳужжатларига

мувофиқлигини мониторинг қилиб борсин.

5. Мазкур қарор бир кун муддатда вилоят ҳокимлигининг расмий веб-сайтида (surxondaryo.uz) эълон қилинсин.

6. Ушбу қарорнинг бажарилишини назорат қилиш вилоят ҳокимининг ўринбосари А.Суванкулов зиммасига юклансин.

Вилоят ҳокими



Т.Боболов